

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

МЕДИАМАКОНДА АХБОРОТ ТАНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зохир Тошхужаев,
ЎзЖОКУ ўқитувчиси

***Аннотация.** Ахборот технологияларининг жадал тараққий этиб бораётгани ҳозирги даврни том маънода “Ахборот асри”га айланиб қолганини бот-бот исботлаб келмоқда. Айниқса, ҳаётимизга интернетнинг кириб келиши ахборот алмашинувига тезкорлик, хилма-хиллик, ранг-баранглик олиб кирди.*

Шу билан бирга тобора кенгайиб бораётган глобаллашув жараёни ҳеч бир чегарани тан олмай қўйди. Бугун интернет глобаллашув жараёнининг асосий қуроли ўлароқ хизмат қилмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистон шароитида ахборот истеъмолчи масаласида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ўрганиб чиқилади.

***Калит сўзлар:** Медиамакон, ахборот технологиялари, медиасаводхонлик, ахборот саводхонлиги, интернет, маънавият, мафкура, иммунитет, манипуляция, ОАВ, журналистика, ижтимоий тармоқлар, глобаллашув, жамият, ахборот.*

Ахборот инсон онгига тўғридан тўғри таъсир қилиш қудратига эга қудратли восита. Интернет оммалашуви ва ривожли ортидан борган сари кенгайиб бораётган медиамаконда ахборот ҳажми ҳам муттасил ошиб бормоқда.

Замонавий технологиялар шу даражада ривожланди ва оммалашдики, бугун ҳар қандай шахс ахборот ишлаб чиқарувчиси ва тарқатувчиси бўла олади. Бунинг оқибатида жамият эътиборига ҳавола қилинаётган барча медиа маҳсулотларини ҳам сифатли, хатарсиз, савияли, ишончли, керакли, беғараз, деб бўлмайди.

Ахборот инсон онги, тафаккури ва дунёқарашини шаклланиши ва ривожланишида қудратли омил ўлароқ, ёшларга таъсири ҳам шу даражада катта бўлади. Бу жараёнда асосий вазифа жамиятимиз аъзолари, айниқса, навқирон авлод онги софлигини сақлаб қолиш бирламчи вазифага айланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йилнинг 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишида “Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётгани”¹ни таъкидлади.

“Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/6967>

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди²”, - деди Ш.Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, соҳа мутахассислари олдида икки йўл турганини таъкидлаш керак. Биринчидан, жамиятнинг илғор вакиллари тобора кенгайиб бораётган юртимиз ахборот маконини миллий контент билан тўлдириб, мавжуд талабларни қондира олиш даражасидаги таклифларни ўртага ташлаши зарурий эҳтиёж экани намоён бўлмоқда.

Бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини интернет тармоғида Ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилиши ва бу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилаётганидан³ билиб олиш мумкин.

Иккинчидан, аҳоли, айниқса ёшларни медиа ва ахборот саводхонлигига ўргатиш. Бу, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бугун инсоният эҳтиёжининг энг харидоргир маҳсулоти ахборотдир⁴. Интернет бу маҳсулотга ҳеч қандай чегарасиз етишиш имконияти бермоқда.

Энг муҳим жиҳат эса, ҳозирги пайтда ҳар ким ахборот ишлаб чиқариш ва уларнинг сифати, ҳаққонийлиги, журналистик контент талабларига жавоб беришидан қатъи назар, интернет тармоғи орқали ҳеч қандай тўсиқларсиз жамиятга тарқатиш имконига эга.

Ижтимоий тармоқларнинг жадал оммалашиб кетаётгани, бугун ахборот яратиш учун журналистларга қўйиладиган малака ва маҳорат талабларига риоя этилмаётгани, яъни ахборотни профессионал журналистлар эмас, таълим даражасидан қатъи назар, исталган киши тайёрлаётгани, ахборот беришда визуал⁵ шакллар биринчи ўринга чиққани истеъмомлчидан медиа ва ахборот саводхонлигини ўзлаштиришни талаб этмоқда.

Ахборот киши онгини шакллантириш, дунёқарашини ўзгартириш каби манипулятив⁶ кучга эга восита сифатида жамиятга катта таъсир ўтказади. Шу боис, медиа маконда оддий инсонлар томонидан тайёрланган мақсадсиз контентлардан ташқари ўз олдига турли мақсад ва режаларни қўйган бузғунчи кучларнинг ғаразли ахборотлари ҳам кўп эълон қилинади. Зеро, таниқли олим С.Г.Кара-Мурза ўзининг “Манипуляция сознанием”⁷ асарида таъкидлаганидек, “Онгни манипуляция қилиш бу инсон психик тузилмаларига яширин тарздаги ва

² <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/13/media/>

³ <https://president.uz/uz/lists/view/5303>

⁴ Муратова Н. Отамуродова М. Омонова П. Медиа таълим. Услугий қўлланма. Тошкент – 2022 й. 4-б.

⁵ Нурутдинова М. Мультимедиавий жанрлар таснифи. Монография. Тошкент – 2021 й. 84-б.

⁶ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2000. – 22 с.

⁷ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2000. – 832 с.

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

унинг фикрлашини, мақсадларини керакли йўналишга ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб олувчи таъсир саналади”, деб таъкидлайди.

Глобаллашув жараёнида ҳар бир миллат ўзлигини, миллий қадриятларини, узоқ тарихга эга урф-одату маънавиятини сақлаб қолишга уринаётган экан, аҳоли айниқса, ёш авлодни медиа ва ахборот саводхонлигига ўргатиш долзарблиги ошиб бораверади.

Зеро, медиа ва ахборот саводхонлигининг⁸ фан сифатида ривожланиб бораётгани ҳам ахборот истеъмолида танлаш ва ажратиш имкониятларининг муҳимлигини белгилаб беради.

Муаллифлар - Я.Маматова, С.Сулайманова “Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида” асарида ахборот ва медиа саводхонлигига қуйидагича таъриф беради.

Ахборот саводхонлиги⁹ – ахборотни танлаш, баҳолаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги кўникмалар ва малакалар мажмуини билдиради. Ахборот саводхонлиги ахборотга эгалик, уни баҳолаш ва ахлоқий қоидаларга риоя қилган ҳолда фойдаланишнинг муҳимлигини эътироф этади.

Медиа саводхонлик – масс-медияни қабул қилиш ва унинг фаолиятини баҳолаш бўйича кўникмалар ва малакалар мажмуини билдиради. Медиа саводхонлик медиа функцияларини тушуниш, мазкур функцияларни амалга ошириш сифатини баҳолаш ва ўз-ўзини ифода этиш, шунингдек, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш учун медиалар билан рационал ҳамкорликка киришишга урғу беради. Медиа саводхонлик ҳам, ахборот саводхонлиги ҳам ёшларда медиа ва ахборот маконида фойдаланилаётган технологиялардан қатъи назар, ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини онгли равишда шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугун ахборот технологиялар кун сайин жадал ривожланиб бораётган дарвда интернет ва ижтимоий тармоқларни чеклашнинг имкони йўқ. Бу жараёнда энг тўғри йўл ёшларда маънавий ва мафкуравий иммунитет¹⁰, ахлоқий фазилатларни тарбиялашдан иборат бўлади.

Зеро, навқирон авлодга ахборотни тўғри танлашни ўргата олсак, уларнинг эҳтиёжини миллий контент билан қондира олиш даражасига эришсак, глобаллашувдан келаётган салбий оқибатларга қарши туриш мумкин бўлади.

⁸ Муратова Н. Отамурадова М. Омонова П. Медиатаълим. Услубий қўлланма. Тошкент – 2022 й. 6-б.

⁹ Маматова Я, Сулайманова С. “Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида”. Ўқув қўлланма.: “Extremum-press”. Тошкент – 2015 й. 9-10 бетлар.

¹⁰ <https://president.uz/uz/lists/view/187>

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси © 2015 – 2024 й.
2. Муратова Н. Отамуродова М. Омонова П. Медиаълим. Услубий қўлланма. Тошкент – 2022 й.
3. Маматова Я, Сулайманова С. “Ўзбекистон медиаълим тараққиёти йўлида”. Ўқув қўлланма.: “Extremum-press”. Тошкент – 2015 й.
4. Нурутдинова М. Мультимедиавий жанрлар таснифи. Монография. Тошкент – 2021 й.
5. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2000.
6. president.uz
7. gazeta.uz
8. Нурутдинова, М. Ч. Unusual ways of giving information. Features of language / М. Ч. Нурутдинова. — Текст : непосредственный // Новые идеи в философии : материалы III Междунар. науч. конф. (г. Москва, июнь 2017 г.). — Москва : Буки-Веди, 2017. — С. 5-9. — URL: <https://moluch.ru/conf/philos/archive/244/12244/> (дата обращения: 07.06.2024).